



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي نَهَى عَنِ الْإِسْرَافِ وَالتَّبَدِيرِ، وَالصَّلَاةَ وَالسَّلَامَ عَلَى رَسُولِهِ الْبَشِيرِ التَّنْذِيرِ، وَعَلَى آلِهِ
وَأَصْحَابِهِ وَمَنْ تَبِعَهُمْ بِإِحْسَانٍ إِلَى يَوْمِ الدِّينِ، أما بعد:

ИСРОФДАН САҚЛАНАЙЛИК!

Мухтарам жамоат! Барчамизга маълумки, Ислом динимиз мўътадил дин бўлиб, барча ишларда мўътадил йўлни тутишга буюради. Аини пайтда исрофдек оғир гуноҳдан қайтаради. Чунки, ҳар қандай ишда ҳаддан ошиш исроф саналади ва у Ислом динининг мўътадилликка асосланган таълимотига зид келади. Исроф деб, шариат тилида бирор иш ҳаракатни бажаришда, сўз сўзлашда, молни сарф қилишда, кўнгилдаги хоҳиш истакларни амалга оширишда мўътадиллик чегарасидан чиқишга айтилади. Аллоҳ таоло Қуръони каримда исрофгарларни суймаслигини ва улар шайтоннинг биродарлари эканлигини баён қилган. Жумладан,

إِنَّهُ لَا يُحِبُّ الْمُسْرِفِينَ

яъни: “...У исроф қилувчиларни севмагай” (Аъроф сураси, 31-оят).

وَأَتِذَا الْقُرْبَىٰ حَقَّهُ وَالْمِسْكِينَ وَابْنَ السَّبِيلِ وَلَا تَبْدُرْهُ تَبْدِيرًا إِنَّ الْمُبْدِرِينَ كَانُوا إِخْوَانَ الشَّيَاطِينِ

وَكَانَ الشَّيْطَانُ لِرَبِّهِ كَفُورًا

яъни: “Қариндошга, мискин ва йўловчига (хайр-эҳсон қилиш билан) ҳақларини адо этинг ва исрофгарчиликка мутлақо йўл қўйманг! Чунки, исрофгарлар шайтонларнинг биродарларидир. Шайтон эса, Парвардигорига нисбатан ўта ношукур эди” (Исро сураси, 26-27-оятлар).

Биз кўпинча исроф деганда таомнинг ортиб қолиши ёки ортиқча сарф ҳаражат қилишнигина тушунамиз. Бу ҳам тўғри. Аммо, нафақат ортиб қолиши, балки қолмасин деб, тўқ қорин устига ейиш ҳам исроф саналади. Аллоҳ таоло Қуръони каримда:

يَا بَنِي آدَمَ خُذُوا زِينَتَكُمْ عِنْدَ كُلِّ مَسْجِدٍ وَكُلُوا وَاشْرَبُوا وَلَا تُسْرِفُوا إِنَّهُ لَا يُحِبُّ الْمُسْرِفِينَ

яъни: “Эй, Одам авлоди! Ҳар бир масжид (намоз) олдидан зийнатларингиз (пок кийимларингиз)ни (кийиб) олингиз! Шунингдек, еб-ичингиз, (лекин) исроф қилмангиз! Зеро, У исроф қилувчиларни севмагай”, деб марҳамат қилган (Аъроф сураси, 31-оят).

Еб-ичишдаги исроф – қорин тўқ бўла туриб, устига яна таом ейиш, деган тафсир ҳам бор. Ҳорун ар-Рашиднинг бир насроний ҳозиқ табиби бор эди. У бир куни уламолардан Али ибн Ҳусайн ибн Воқидга: “Қуръон

китобларингизда табобат хусусида ҳеч нарса йўқ. Ваҳоланки, илм икки хилдир. Бири – дин илми, иккинчиси – бадан, яъни тиб илми”, деганида, у жавобига: “Аллоҳ таоло табобатнинг ҳаммасини яримта оятга жойлаб қўйган”, – деб, мазкур оятни ўқиб берганида табиб: “Пайғамбарингиз бу хусусда ҳеч нима демаган”, – дебди. Шунда олим: “Аксинча. Ошқозон дард манбаи, парҳез – барча давонинг боши. Баданни унга мос нарса билан парвариш қил!” - деган ҳадисларини ўқиб берибди. Шунда табиб: “Китобингиз билан Пайғамбарингиз Жолинус ҳақимга табобатдан ҳеч нарса қолдирмабди”, – деган экан (Мадорик тафсиридан).

Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, у зот шундай деганлар:

إِيَّاكُمْ وَالْبَطْنَةَ مِنَ الطَّعَامِ وَالشَّرَابِ؛ فَإِنَّهَا مُفْسِدَةٌ لِلْجَسَدِ، مُورِثَةٌ لِلسَّقَمِ، مُكْسِلَةٌ عَنِ الصَّلَاةِ، وَعَلَيْكُمْ بِالْقَصْدِ فِيهِمَا؛ فَإِنَّهُ أَصْلَحُ لِلْجَسَدِ، وَأَبْعَدُ مِنَ السَّرْفِ وَأَقْوَى لِلْعِبَادَةِ

яъни: “Таом ва ичимлик билан қоринни шиширишдан сақланинг. Зеро, бундай қилиш жасадни бузади, касаллик келтиради ва намозга ялқовлантиради. Таом ва ичимликда мўътадил бўлинг. Зеро, шундай қилиш жасадга фойда беради, исрофдан йироқ қилади ва ибодатга куч беради”.

Сарф-харажат ва хайр-эҳсон қилишда ҳам исрофга йўл қўймаслик лозим бўлади. Аллоҳ таоло Қуръони каримда инфоқ эҳсонни мўътадил қилган бандаларини мақтаб шундай деган:

وَالَّذِينَ إِذَا أَنْفَقُوا لَمْ يُسْرِفُوا وَلَمْ يَقْتُرُوا وَكَانَ بَيْنَ ذَلِكَ قَوَامًا

яъни: “Улар эҳсон қилганларида исроф ҳам, хасислик ҳам қилмаслар, (тутган йўллари) бунинг ўртасида – мўътадилдир” (Фурқон сураси, 67-оят).

Аллоҳ таоло эҳсон қилиш, нафақа улашишга буюрган ўрнида, исроф қилишдан, ҳаддан ошишдан қайтаради. Қуйидаги оят бунга далил бўлади:

وَهُوَ الَّذِي أَنْشَأَ جَنَّاتٍ مَّعْرُوشَاتٍ وَغَيْرَ مَعْرُوشَاتٍ وَالنَّخْلَ وَالزَّرْعَ مُخْتَلِفًا أَكْلُهُ وَالزَّيْتُونَ وَالرُّمَانَ مُتَشَابِهًا وَغَيْرَ مُتَشَابِهٍ كُلُوا مِنْ ثَمَرِهِ إِذَا أَثْمَرَ وَآتُوا حَقَّهُ يَوْمَ حَصَادِهِ وَلَا تُسْرِفُوا إِنَّهُ لَا يُحِبُّ الْمُسْرِفِينَ

яъни: “У (Аллоҳ) шундай зотки, (сўритокларга) кўтариб қўйилладиган ва кўтариб қўйилмайдиган (узумзор) боғларни, таъми турлича (бўлган) хурмо ва мевали дарахтларни, (ранг ва таъмда) ўхшаш ва ўхшамас зайтун ва анорларни пайдо қилди. Мева ҳосил қилганда, мевасидан тановул қилингиз! Ҳосил йиғиш кунда (муҳтожларга) ҳаққини (ушри ва хирожини) берингиз ва исроф қилмангиз! Албатта, У исроф қилувчиларни севмайди” (Анъом сураси, 141-оят).

Ибн Журайждан ривоят қилинишича, ушбу оят Собит ибн Қайс ибн Шаммос ҳақида нозил бўлган бўлиб, у боғдаги хурмосини териб олади ва: бугун олдимга келган кишиларнинг ҳаммасига мевадан эҳсон қиламан, деди. Келган одамларнинг ҳаммасига мевадан бераверди. Кечга бормай ўзига мева қолмади. Шунда, Аллоҳ таоло: “Исроф қилмангиз! Албатта, У исроф қилувчиларни севмайди”, деган оятни нозил қилди.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ҳадисларининг бирида:

كُلُوا وَاشْرَبُوا، وَابْسُؤُوا وَتَصَدَّقُوا، فِي غَيْرِ إِسْرَافٍ وَلَا مَحِيلَةٍ (رواه الإمام البخاري)

яъни: “*Енглар, ичинглар, кийининглар ва садақа қилинглар, исроф ва мақтанчоқлик қилмаган ҳолда*” (Имом Бухорий ривояти). Демак, эҳсон қилишнинг ҳам меъёри бор экан.

Биз ўзбек халқи меҳмондўст, хайру саховатли, кўли очик халқмиз. Шунинг учун хилма-хил маросиму тадбирларимизнинг сони ҳам кўп. Ақиқа тўйи, никоҳ валимаси, ҳовли тўйи, мотамга оид вазима маросимларининг ҳам бир неча турлари мавжуд. Албатта, бундай маросимларнинг пайдо бўлиши ва амалга оширилишидан кўзланган мақсад аввало, қавму қариндош, кўни кўшни ва ёру кадрдонлар билан дийдорлашиш, етим-есирнинг кўнглини олиш, мухтожу фақирларга таом улашиш орқали Аллоҳ таолонинг савобига ноил бўлишдир. Аммо, зинҳор, ушбу тадбирларда исрофгарчилик, манманлик ва риёкорликка ўтмаслик керак бўлади. Акс ҳолда, эҳсон қилиб савоб топиш ўрнига оғир гуноҳга қолинади.

Уламолар исрофга йўл қўядиган кишиларнинг ҳолатларини таҳлил қилиш орқали, исрофга йўл қўйишга сабаб бўладиган омилларни, исрофгарликнинг зарарли оқибат ва асоратлари, исрофгарликдан қутулиш йўллари аниқлаганлар.

Исрофга йўл қўйишга сабаб бўладиган омиллар:

1. Аввало тарбия ўчоғи бўлмиш оилада фарзандларни сабрли ва қаноатли қилиб тарбиялаш ўрнига, улар томонидан бўладиган барча талабларни меъеридан ошириб таъминлаб бериш;
2. Маишатпараст, дунёпараст кишилар билан улфат ва суҳбатдош бўлиш, уларнинг ҳолатларидан таъсирланиш;
3. Тезликда, машаққат чекмай тангликдан кейин кенгликка, фақирликдан кейин бойликка эришиш;
4. Нафснинг хоҳиш ва истакларига сўзсиз итоат этиш;
5. Бу дунё ҳаёти охират учун тайёргарлик кўриш даври эканлиги, охиратда эса бу дунёда қилинган амаллар учун ҳисоб-китоб бор эканлигини унутиш ёки тушунмаслик;
6. Умуман инсон ҳаётида мўътадиллик ва меъёр деган тушунчалардан йироқ бўлиши.

Исрофгарликнинг зарарли оқибат ва асоратлари:

1. Аллоҳнинг муҳаббатидан Мосуво бўлиб, Унинг ғазаби ва қаҳрига мубтало бўлиш;
2. Шайтонни хурсанд қилиб, унинг биродарига айланиш.
3. Ҳаётдаги қийинчилик ва машаққатларни кўтара олмаслик, ожизлик ва нотавонликка маҳкум бўлиш;
4. Жасадда турли касалликларнинг пайдо бўлиши, қалб қотиши, фикрнинг ўтмаслашуви;
5. Жамиятда ялқовлик, текинхўрликнинг авж олиши, қашшоқлик ва тиланчиликнинг кўпайиши.

Исрофгарликдан қутулиш йўллари:

1. Ҳар ишда Аллоҳ таоло буюрган мўътадил йўлни тутиб, ҳаддан ошиш ва исрофгарликдан ўзни сақлаш;
2. Пайғамбар алайҳиссалом, саҳоба ва тобеинлар ҳамда улуғ зотларнинг ҳаёт тарзларини ўрганиб, уларга эргашиш;

3. Дунёдаги фақир ва мискинлар, уйсиз-жойсиз, оч-наҳор юрган халқларнинг ҳолатини кўз олдига келтириш;

4. Исрофгар, дунёпараст одамлардан узоқлашиб, қалби синиқ, хоксор кишиларга яқин юриш;

5. Оила ва фарзандларни сабр ва қаноат каби гўзал фазилатлар соҳиби қилиб тарбиялаш.

Аллоҳ таоло ҳаётимиз ва ризқимизни фаровон айлаб, исрофгарчиликка йўл қўйишдан ва унинг балоларидан Ўз паноҳида асрасин! Омин!

“Исрофдан сақланайлик” тезисига ИЛОВА:

Мухтарам азизлар! Салом бериш – Ислом динининг шиори, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак суннатларидир. Шунингдек, салом берувчи кишининг тавозели ва камтар эканининг белгисидир. Саломга алик олиш эса – вожибдир. Аллоҳ таоло салом берилганда унга алик олишни буюриб, шундай дейди:

وَإِذَا حُيِّتُمْ بِتَحِيَّةٍ فَحَيُّوا بِأَحْسَنَ مِنْهَا أَوْ رُدُّوهَا إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ حَسِيبًا (سُورَةُ النَّسَاءِ / الْآيَةُ 86)

яъни: “Қачон сизларга салом беришса, сизлар ундан чиройлироқ қилиб алик олинг ёки ўша саломнинг ўзини қайтаринглар. Албатта, Аллоҳ ҳамма нарсани ҳисобга олувчи зотдир” (Нисо сураси, 86-оят).

Демак, бирор киши бизга "Ассалому алайкум" деса, биз унга ҳеч бўлмаганда: "Ва алайкум ассалом ва роҳматуллоҳ" деб, алик олишимиз шарт. Агар бизга: "Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳ" дейилса, "Ва алайкум ассалом ва роҳматуллоҳи ва баракотух", деб жавоб қайтаришимиз лозим. Салом берилганда уни эшитиб туриб, алик олмаган киши гуноҳкор бўлади.

Саломлашиш инсонлар ўртасида ўзаро меҳр-оқибат ва самимийликни келиб чиқишига сабаб бўлади.

"لَا تَدْخُلُوا الْجَنَّةَ حَتَّىٰ تَتُومِنُوا، وَلَا تُؤْمِنُوا حَتَّىٰ تَحَابُّوا، أَلَا أَدُلُّكُمْ عَلَىٰ شَيْءٍ إِذَا فَعَلْتُمْوهُ تَحَابَبْتُمْ، أَفَشُوا السَّلَامَ

بَيْنَكُمْ" (رَوَاهُ الْإِمَامُ مُسْلِمٌ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ)

яъни: “Мўмин бўлмагунингизча жаннатга кирмайсиз. Ўзаро муҳаббат қилмагунингизча, мўмин бўлмассиз. Ўзаро муҳаббат қилишингизга сабаб бўладиган нарсага далолат қилайми? Орангизда саломни ёйинг!” – дедилар (Имом Муслим ривояти).

Аллома Тибий раҳимаҳуллоҳ мазкур ҳадис шарҳида шундай дейдилар: “Саломни кенг ёйиш – ўзаро меҳр-муҳаббатга сабабчидир. Бу эса имоннинг мукамаллигига олиб келади. Салом ила мусулмон жамиятда дўстлик, иноқлик ва ўзаро улфат келиб чиқади. Шунингдек, бу одатда мусулмонлар бирдам бўлиши, бошқа миллатлардан ажратиб турувчи шиорларининг намоён бўлиши юзага келади, ўзаро гина ва адоватлар кўтарилади”.

Шариатимизга кўра мусулмон одам ҳар қандай гапни салом беришдан бошлашига тарғиб қилинган. Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

"السَّلَامُ قَبْلَ الْكَلَامِ" (رَوَاهُ الْإِمَامُ التِّرْمِذِيُّ عَنْ جَابِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ)

яъни: “Салом каломдан аввалдир”, – деганлар (Имом Термизий ривояти).

Демак, гапиришдан аввал салом берилади, кейин гап бошланади. Бир жойга, бировни олдига кирмоқчи бўлган киши аввало салом бериб, кейин кириш учун изн сўрайди.

Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилинади: Бир киши: “Ё Аллоҳнинг Расули, Исломнинг қайси хислати яхши?”, – деди. У Зот саллаллоҳу алайҳи васаллам:

"تَطْعِمُ الطَّعَامَ وَتَقْرَأُ السَّلَامَ عَلَى مَنْ عَرَفْتَ وَعَلَى مَنْ لَمْ تَعْرِفْ" (مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ).

яъни: **“Таом беришингиз ва таниган-танимаган кишига салом беришингиз”**, дедилар (Муттафақун алайҳ).

Салом бериш тартиби қуйидагилардан иборат. Уловда кетаётган одам – пиёдага, юриб кетаётган киши – ўтирган одамга, кичик ёшдаги киши – ёши катталарга, озчилик – кўпчиликка салом беради. Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

"يُسَلِّمُ الصَّغِيرُ عَلَى الْكَبِيرِ، وَالْمَارُّ عَلَى الْقَاعِدِ، وَالْقَلِيلُ عَلَى الْكَثِيرِ" (رَوَاهُ الْإِمَامُ مُسْلِمٌ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ)

яъни: **“Кичик – каттага, юрган – ўтирганга, озчилик – кўпчиликка салом беради”**, – дедилар (Имом Муслим ривояти).

Яна бир ҳадиси шарифда:

"يُسَلِّمُ الرَّكِيبُ عَلَى الْمَاشِي وَالْمَاشِي عَلَى الْقَاعِدِ وَالْقَلِيلُ عَلَى الْكَثِيرِ" (رَوَاهُ الْإِمَامُ مُسْلِمٌ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ)

яъни: **“Уловдаги киши – пиёдага, юриб кетаётган киши – ўтирганга, озчилик – кўпчиликка салом беради”**, – деганлар (Имом Муслим ривояти).

Уламои киромларимиз фарзандлар ҳамда ёшларга тўғри салом беришни ўргатиш – ота-онанинг, ёши улуғларнинг бурчлари эканини таъкидлаганлар. Анас ибн Молик разияллоҳу анхуга Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам насихат қилиб:

"يَا بَنِي إِذَا دَخَلْتَ عَلَى أَهْلِكَ فَسَلِّمْ يَكُنْ بَرَكَةً عَلَيْكَ وَعَلَى أَهْلِ بَيْتِكَ" (رَوَاهُ الْإِمَامُ التِّرْمِذِيُّ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ)

яъни: **“Эй ўғлим, қачонки уйингизга кирсангиз, аҳли оилангизга салом бергин. Шунда сизга ҳам аҳли оилангизга ҳам барака бўлади”**, – деганлар (Имом Термизий ривояти).

Ҳеч ким йўқ жойга кирилганда ҳам, киши ўз уйига кирганда ҳам салом билан киришига тарғиб қилинган. Чунки, салом билан бирга уйларимизга хайр-барака киради.

"إِذَا أَنْتَهَى أَحَدُكُمْ إِلَى الْمَجْلِسِ فَلْيُسَلِّمْ، فَإِذَا أَرَادَ أَنْ يَقُومَ فَلْيُسَلِّمْ، فَلَيْسَتْ الْأُولَى بِأَحَقَّ مِنَ الْآخِرَةِ"

(رَوَاهُ الْإِمَامُ أَبُو دَاوُدَ وَالْإِمَامُ التِّرْمِذِيُّ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ)

яъни: **“Сизлардан бирингиз бирор масжлисга борганда, салом берсин. Агар туришни хоҳласа ҳам, салом берсин. Аввалгиси кейингисидан ҳақли эмасдир”**, – деганлар (Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти).

Демак, биров билан кўришганда ёки бирор йиғинга кирганда салом бериш – суннат экан. Шунингдек, суҳбат якунланганда ҳам уни салом бериш билан тамомлаш ҳам – суннат. Ҳар биримиз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу муборак суннатларини тирилтириш, уни ҳаётимизга татбиқ этиш мақсадида ўзро суҳбат ва учрашувларимизда салом беришга одатлансак улкан ажрларга эга бўламиз.

Аллоҳ таоло барчамизга динимиз шиорларини эҳтиром қилиб, унга амал қилиб яшаш бахтини насиб этсин! Омин!

Муҳтарам имом-домла! Келгуси жума суҳбати “ФОЛБИНГА БОРИШ – ОҒИР ГУНОҲ” мавзусида бўлади.